



ISHONCH

ОЛИЙ БАХТ Газета 1991 йил
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 25 март, шанба № 53-54 (2103)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ШАРҚҚА ШАРҚОНАЛИК ЯРАШАДИ

ёхуд миллий ўзликни
англаш сабоғи

**МЕҲНАТКАШЛАР КЕНГ
ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМИ
МАНФААТЛАРИНИНГ
ҶИМОЯЧИСИ** 2-3-бетлар




9-бет



«ТАШАББУС-2006»
ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ 4-бет

5-8-бетлар

| | | |
|-------------|----|--------|
| O'ZBEKISTON | 7 | ПЕРВЫЙ |
| YOSHLAR | 10 | РОССИЯ |
| TOSHKENT | 11 | ТВ-3 |
| SPORT-TV | 12 | СТС |
| MTB | 13 | |



11-бет



— Дилбар Набиевна, яшаш тарзи ва мазмун-моҳиятига кўра инсон она табиатнинг узвий бир бўлаги. Бинобарин, у ҳам ўсимлик ва ҳайвонот оламида кузатилгани каби узоқроқ умргузаронлик қилишга ҳамда бунинг учун ўзига қулайроқ шарт-шароит яратиб олишга интилади. Бу эса ўз навбатида ўхшаш бошқа бир томоннинг қаршилигисиз амалга ошмайди, албатта. Мурса йўли қаерда ва бу муаммо ечимини топиш учун нима қилиш керак? Умуман, бунинг иложи борми? Мана шундай аснода дунёда қасаба уюшмалари деб аталмиш жамоат бир-лашмаси борлиги ёдга тушади ва беихтиёр савол тугилади: у бугун қандай бўлиши даркор ва қандай бўлса зиммасига юклатилган гоят масъулияти, айти пайтда савобли ҳамда олижаноб вазифани шараф билан уддалай олади?

— Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида алоҳида ургу бери айтган ушбу сўзлари, ўйламанки, биз ўзимиз учун ҳаракат дастури деб билган барча юмушларимиз мазмун-моҳиятини очиб беради: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир». Бундай шароитда сиёсий ва ижтимоий институтлар ўз фаолиятларини ўзгарган ва ўзгариб бораётган вазиятдан келиб чиққан, янги муносабатларга уйғунлашган ҳолда олиб боришлари даркор.

Бу ишларни амалга оширишда бизнинг ўз дастуруламаларимиз бор, у Президентимизнинг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси III Қурултойи қатнашчиларига мурожаатидир. Мурожаат, айтишим лозимки, кейинги фаолиятимиз учун илҳомбахш омил бўлди, бу ўз навбатида кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Янги-янги ташаббусларга чорлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида қандай масалалар муҳокама этилиб, қандай хулосалар чиқарилгани-ю ва қандай қарорлар қабул қилинганга эътиборингизни қаратмоқчиман. Чунинчи, бозор иқтисодиёти шароитида юзага келиши эҳтимол тутилган айрим муаммолардан асло кўз юмиб бўлмайди. Юсак даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу муаммоларнинг аксарият ечимини қасаба уюшмаларига, хусусан, ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасида нечоғлик омилкорлик билан воситачилик вазифасини бажара билиш салоҳиятига боғлиқ. Чунки мурса йўлини топа билибгина аҳоли фаровонлигининг асосий мезони бўлмиш жамиятда ижтимоий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

— Бугун республика қасаба уюшмалари олдида турган вазифаларнинг ўзига хослиги, сизнингча, нималардан иборат?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қасаба уюшмалари ижтимоий ҳаётнинг мутлақо янгица кўринишларига дуч келди. Бу биринчидан, хусусий мулкчиликнинг тобора устуворлик мақомига эга бўлиши, иккинчидан, республика иқтисодиётининг айрим тармоқларига хориж маблағининг кун сайин фаолроқ кириб келишидир. Чет эл тажрибасидан яхши маълумки, бундай пайтда бозор муносабатлари учун хос бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддият долзарб аҳамият касб эта боради. Меҳнатқашлар ушбу зиддиятчи ҳолатнинг оғриқларини ишсизлик даражасининг ортиши, иш ўринларининг қисқариши, маош, пенсия ва нафақалар берилишида узилишлар юз бериши, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, янги хўжайинларнинг ўзбошимчиликлари ва ҳоказо илгари кузатилмаган муносабатларда ҳис қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, эскича ишлаш ва фикрлашга ўрганиб қолган қасаба уюшма етакчилари ва фаолларининг ўзи ҳам бундай шароитга бирдан кўникиб кетиши, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ва келишувларига томонларнинг оғишмай амал қилишига эришиши осонликча кечмади, албатта. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай то ҳануз аҳён-аҳёнда бўлса ҳам бу ўз асоратли кўринишини намоён этиб турибди. Меҳнатқашларнинг ўзига келса, улар қасаба уюшмаларига беихтиёр аввалдаги каби санаторий ва курортларга йўлланмаларни тақсимловчи ва моддий ёрдамлар кўрса-

тувчи меҳр-мурувват ташкилоти деб қарашда давом этмоқдалар. Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти шароитида қасаба уюшмаларининг асосий вазифаси — меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини маҳкам туриб охиригача ҳимоя қилишдир. Бу эса тинимсиз излаш ва ўқиб-ўрганишни тақозо этади.

— Фуқаролик жамиятини шакллантиришдек унчалик оддий бўлмаган шароитда республика қасаба уюшмаларининг истиқбол тараққиёти, сизнинг фикрингизча, қандай кечади?

— Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ядроси сифатида айнан ана шу фуқаро, ижтимоий субъект ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари ечимида фаол иштирок этади. Зотан, фуқаролик жамияти ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлашга, яъни жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга йўналтирилган барқарор иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт учун имкон яратиши даркор.

Эътироф этиш жоизки, жамиятимиз бошдан кечираётган бозор иқтисодиёти шароитида аксарият ишчи-ҳодимлар қасаба уюшма ҳаракатидан четда қололмасликларини ниҳоят тушуниб етмоқдалар. Наинки, қасаба уюшмасига аъзолик қонуний ҳуқуқлари бузилган ҳолларда кафолатли ҳимоялаш билан бирга, унга бепул юридик маслаҳат олиш,

вақтида тўланишини таъминлаш бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда ва қасаба уюшмалари ҳимоя вазифасининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

— Мутлақо шундай. Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ушбу масала бўйича мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамаси, Президент девони, Марказий банк, Бош прокуратура билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жойларда қасаба уюшма аъзолари иш ҳақини тўлашда кечикиш юз берганда, иш берувчилар олдига расмий талаб билан чиқилмоқда, ҳокимият, банк, прокуратура эътибори қаратилмоқда, иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорликни қоплаш учун судга даъво аризалари тақдим этиляпти. Бир эслаб кўрайлик. 2000 йилда республика бўйича иш ҳақидан қарздорлик юзасидан прокуратурага бор-йўғи 3 та мурожаат ва судга 2 та даъво аризаси келиб тушган эди. Ҳозир ҳар йили прокуратура органларига 200 дан зиёд мурожаатнома ва судларга қарийб 100 та даъво аризасини-расмийлаштирилмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ 2005 йилда иш ҳақидан қарздорлик сезиларли даражада камайди.

Бизнинг меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида истиқболга режалаштирилган вазифамиз, бу ижтимоий-адолатли меҳнат тизимини ҳаётга янада фаол татбиқ этилишида ҳамкорлик қилиш, меҳнатни

Қасаба уюшмалари:

лохотларни чуқурлаштириш каби шу куннинг долзарб масалалари ечимини топиш лозимлиги биринчи галдаги вазифалар қилиб белгиланди. Бу қасаба уюшмаларига ҳам катта масъулият юклайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг ижроия қўмитаси қарори билан барча даражадаги қасаба уюшма ташкилотларига бу ишда Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, республика хўжалик бошқаруви ҳамда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари, иш берувчилар уюшмалари ва бошқа мутасадди ташкилотларга қўмаклашиш вазифаси юклатилди ва ушбу йўналишда муайян чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хусусан, меҳнат ресурслари балансини тузиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш ишларида Халқаро Меҳнат Ташкилоти стандартлари оғишмай риоя қилиш, юридик шахслар томонидан мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни қасаба уюшма органларига ҳам тақдим этиб бориш, ишга жойлаштиришга қўмаклашадиган қасаба уюшма агентликларини ташкил этиш, қасаба уюшма органлари томонидан «Бандлик» дастурига таклиф-

МЕҲНАТҚАШЛАР КЕНГ МАНФААТЛАРИНИНГ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси
Д. Жаҳонгированиннг «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие»
газеталари саволларига жавоблари

ишлаб чиқаришда эса ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш ва меҳнат муҳофазасига умид боғлаш, шунингдек, кўшимча ижтимоий-маданий ва моддий имкониятлар тақдим этиши билан ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Шак-шубҳасиз, буларнинг барчаси қасаба уюшмаларидан ўзининг инсонпарварлик мақсадлари ва ҳимоявий вазифасини амалга оширишда янгица фикрлашни, қасаба уюшма етакчиларидан ўз ўзини руҳий қайта қуриб олиши, иш фаолиятида мавжуд усул ва услубларни янада такомиллаштиришни, шунингдек, янги қонунчилик базисининг яратилишини тақозо этади. Бундай шароитда қасаба уюшма сафларини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар ролини кучайтириш ва нуфузини ошириш, инсонпарварлик қадриятларини амалга оширишда реал кучга айланиш зарурати ўз-ўзидан пайдо бўлади. Айнан ана шу инсонпарварлик билан йўғрилган яшаб қолиш ва фаолият кўрсатиш қонунияти ёлланма меҳнат вакилларини ўзига тартади ва уларда биллашмиш, ўз ҳуқуқларини жамоа бўлиб ҳимоя қилиш хистуйғуларини шакллантира боради.

— Айтинг-чи, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчилик тараққиётининг ҳозирги даражаси бугунги кун талабларига тўла-тўқис жавоб берадими?

— Бу жабҳада талай ишлар қилинди, лекин қилиниши лозим ишлар ҳам йўқ эмас.

Бугун барча жойларда тармоқ келишувларидан тариф келишувларига ўтиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Имкони бўлган жойларда эса, шунингдек, ҳудудий келишувлардан минтақавий келишувларга ўтиш вазифасини қўйиш даркор.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бир қатор корхоналарда жамоа шартномалари жуда тор доирадаги масалаларни қамраб олмоқда. Энг ёмони, уларнинг иш берувчи томонидан тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис ҳам, ҳануз жамоавий-шартномавий муносабатларга меҳнат маслаҳатлари тизимини тақдим этиш долзарб вазифалигича қолмоқда. Шунингдек, жамоа шартномалари шартларининг бажарилмаганлиги учун ҳам иш берувчилар, ҳам қасаба уюшма органларининг масъулиятини кучайтириш зарур. Бу сўзсиз қасаба уюшма етакчиларидан иқтисодий фикрлашни ҳам талаб этади.

— Сир эмаски, иш ҳақининг ўз

меъёрлаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этишга эришишдан иборатдир.

— Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга яроқли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш қасаба уюшмалари томонидан ҳам катта саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Бу йўналишда қандай чора-тадбирлар кўриломоқда?

— Айтиш лозимки, бандлик муаммоси ҳал қилиниши, шунингдек, ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш билан ҳам бевосита боғлиқ. Ҳар йили қарийб 100 минг ходим жамоа шартномалари ва келишувлари тадбирлари доирасида касб-ҳунар тайёргарлигидан ўтказилади.

Кези келганда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида келишиб олинган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, шу ҳақда барча даражада мунтазам маслаҳатлар ўтказиш, меҳнат бозори юзасидан ахборотларни айирбошлаш тўғрисида қўшма тадбирлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлашни истардим.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида бевосита ва билвосита қасаба уюшмаларига тааллуқли бир қатор масалалар тилга олинди. Уларни амалга ошириш юзасидан Федерация Кенгаши қандай чора-тадбирларни белгилади?

— Мажлисида алоҳида таъкидлаб ўтилдики, амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайди. Бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, мажлис қароридан таркибий ислохотлар кўламларини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулк сектори кўламини кенгайтириш, бизнес учун кафолатларни мустаҳкамлаш ва қулай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарт сифатида иш билан бандлигини таъминлаш, уй-жой-коммунал хўжалигида ис-

лар киритиш, квоталанган иш ўринларига фуқароларни йўллаш имкониятларидан кенг фойдаланиш, иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма ҳисобидан мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш Марказларини ташкил этиш, тармоқ қасаба уюшмаларида беиш кадрлар ҳамда мавжуд иш ўринларига оид маълумотлар базасини шакллантириш ва мазкур базалар давлат мониторингига киритилиши каби масалалар акс эттирилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Шу муносабат билан мутахассисларимиз иштирокида жойларда сайёр семинар-кенгашлар уюштирилмоқда. Дастлабки таассуротлар ёмон эмас. Қизгин баҳс-мунозаралар, фикр алмашувлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини бера бошлади. Қасаба уюшма етакчилари, хусусан, янги сайланган фаолларимиз учун бу айтиш мудида бўлмоқда. Ҳаёт давом этар экан, муаммолар ҳам юзага келаверади. Уларни бартараф этиш ўз қўлимизда, ҳамкорликда амалга оширилган ишнинг самараси ҳам шунга яраша бўлади.

— Дилбар Набиевна, IV Қурултойдан сўнг қасаба уюшмаларининг ҳукумат билан ҳамкорлик қилиши учун қандай янги истиқболлар очилди?

— Республика ҳукумати қасаба уюшмалари ҳаракати муаммоларига чуқур кириб бораётгани ва мунтазам равишда бизни қўллаб-қувватлаб, имкон даражасида ёрдам қўлини узатиб келаётганини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлашни истардим. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқариш соҳасида қасаба уюшмалари билан самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан ҳукумат ташаббуси фикримизни яққол тасдиқлайди. Хусусан, бу қасаба уюшмалари ишчи гуруҳларининг ҳокимият билан жойлардаги муаммоларни ўрганиб, уларнинг кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама қилиниши билан боғлиқ. Бундан ташқари, кичик бизнес тараққиёти, иқтисодиётда хусусий сектор улушининг ортиб бориши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, коммунал хизмат соҳасида тариф устидан жамоатчилик назорати, болаларни ёзги соғломлаштиришни яхшилаш соҳаларида ҳамкорлик кўзда тутилган.

Шу ўринда, янги иш ўринларини ташкил этиш ва ноформал секторда бандлик даражаси пасайиши масалаларида-

кеча, бугун, эртага

ги ўзаро ҳамкорликка алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман. Бу шундай муаммоки, унинг самарали тарзда ўз ечимини топишдан нафақат ҳукумат, балки йирик иш берувчилар ҳамда касаб ва уюшмалари ҳам баб-баравар манфаатдордирлар.

— **Лекин, афсуски, муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бу ҳолат ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари даражасининг жуда секинлик билан камайиб бораётганлигида кўзга ташланмоқда. Нима, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликларга барҳам бериш шунчалар қийинми ёки бунинг биз кўздан қочирган бошқа сабаблари ҳам борми?**

— Маълумингизким, III Курултойда «Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш ўринлари ҳам шунча хавф-хатарсиз бўлади» деган шиор ўртага ташланган эди. Унинг ҳаётда ўз ифодасини топиши учун озмунча иш қилинмади.

Шу билан бирга жисмонан эскирган ускуналардан ҳамон фойдаланилаётганлиги, меҳнат муҳофазаси учун сарф-харажатларнинг етарли эмаслиги, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш учун иш берувчиларда иқтисодий манфаат-

хизмат погонасидан кўтарилишидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, уларни зарарли ишлардан бўшатиб олиш каби масалаларга тааллуқдир.

Юқори микдорда ҳақ тўланадиган ишлар ва тармоқларда эркакларга нисбатан аёллар озчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар ва ёшларни касаб ва уюшма ишларига янада фаол жалб этиш зарур. Шу ўринда ҳар бир касаб ва уюшма органи қошида хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича комиссия тузилаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда хотин-қизлар учун ихтисослашган иш ўринлари яратиш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак, бунинг учун тўлиқсиз бандлик ва касаначилик имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

— **Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш — мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу юмушларни амалга оширишда касаб ва уюшмаларининг иштироки қай тахлит ўз ифодасини топмоқда?**

— Республика Президентининг

меҳр-оқибат айёми бўлмиш Наврўз кунларида саҳоват эшиклари янада кенг-роқ очилиб, халқимизга хос меҳр-муруват ришталари, табиийки, барчабарчани янада маҳкамроқ боғлаб олишига шак-шубҳа йўқ.

— **Бугунги ҳаёт тарзи касаб ва уюшмаларини ҳар қачонгидан-да фаолроқ бўлишга ундамоқда, хусусан, қонун яратувчилик, ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида ўз фаолиятини жадаллаштириш борасида кескин талаблар кўймоқда. Ушбу масалада нималар дейишингиз мумкин?**

— Маълумки, касаб ва уюшмалари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Шунга қарамай, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Касаба уюшмалари 11 та қонун ва 50 та қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этди. Бир вақтнинг ўзида ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Суд орқали ҳимоя қилиш деб аталмиш янгича шаклдаги вазифа биринчи ўринга чиқди. Касаба уюшма аъзосини ҳимоя қилиб судга берилган даъво аризасига биноан 400 дан зиёд иш кўзга тилди, ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги 25 мингга яқин ёзма шикоят ва аризалар кўриб

ган мақсадларга эришиш имконини берди. Зеро, ушбу йўналишдаги ишларни бундан буён ҳам давом эттириш лозим.

Хозирги вақтда касаб ва уюшмалари аъзолик афзалликларини асослаш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бутун дунёда, шу жумладан, республикамизда ҳам касаб ва уюшмалари сонининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. 2000 йилдан буён уларнинг сони 500 минг кишидан кўпроққа қисқарди. Бунга, шак-шубҳасиз, бир қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Бугун асосий вазифа шундан иборатки, зарур бўлган таъсирчан воситаларни ишга солган ҳолда ушбу тенденцияни тўхтатиш ва касаб ва уюшмаларига аъзоликка ундовчи омилларни кучайтириш лозим.

Бизнинг фикримизча, булар куйидагилардир:

- Жамоа шартномаси — аксарият касаб ва уюшма ташкилотлари учун касаб ва уюшмага аъзолик афзалликларини асослашнинг ягона қуроли ҳисобланади ва унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарур.

- Касаба уюшма органлари, биринчи навбатда, нодавлат сектордаги корхоналар, муассасаларда, айниқса, кўшма корхоналарда касаб ва уюшма ташкилотини тузишга асосий эътиборни қаратишлари даркор.

Шу билан бирга, янги касаб ва уюшма фаолларини излаб топиш ва тавсия этиш, уларни иқтисодий ислоҳ қилиш шароитида ишлаш учун тайёрлашнинг самарали шаклларини татиқ этиш лозим. Касаба уюшма органларини юксак салоҳият эгаси бўлган кадрлар билан таъминлашга қодир кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган саъй-ҳаракатларимиз боиси ҳам шундан.

- **Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси IV Курултойда ўртага ташланган, яъни бундан буён маҳалларга ҳам чуқурроқ кириб бориш фикри ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаётда ўз ифодасини топа бошлади.**

- Бу фикр бежиз кўтариб чиқилгани йўқ. Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг, деганларидек касаб ва уюшма аъзоларининг корхона ёки ташкилотда ўз юмушини бажаргандан сўнг борадиган бирдан-бир гўшаси. Улар қандай ўй-фикрлар билан яшашти, орзу-умидлари қандай, яшаш шароитлари-чи, каби саволларга айнан шу ерда жавоб олиш мумкин. Ўзимизга тегишли Ўқув марказида Ўзбекистон Оқсқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви билан ҳамкорликда 50 нафар Андижон вилояти қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ўқув-семинарини ташкил қилганимиз, ўйлайманки, ушбу йўналишда амалга оширадиган эзгу ишларимизнинг дебачаси. Бундай ўқувлар бундан буён мунтазам ўтказиб борилади, ҳудудий-минтақавий тарзда ташкиллаштиришни ҳам режалаштириб қўйганимиз.

Мен юқорида касаб ва уюшмаларини янги куч — янги кадрлар билан тўлдирish ва мустаҳкамлаш тўғрисида бекоорга сўз очмадим. Бу — табиат қонуни, абадиятга бориб тақаладиган ва кўп бор синовлардан ўтган фалсафа. Фақат ёшларни тарбиялашга диққат-эътиборни кучайтириш, бунинг янги ва самарали воситаларини ишга солиш даркор бўлади. Ўқув-семинарлар, албатта, яхши. Лекин у бирварақайга барчани қамраб ола билмайди. Шунинг учун IV Курултойда шу пайтгача негадир эътибордан четда қолаётган яна бир фикр муҳокама учун ўртага ташланди ва кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинди. У ҳам бўлса, касаб ва уюшмалари наشري «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарида «Касаба уюшмалари фаолларининг сиртки мактаби» рукнини ташкил қилиш ҳақидадир. Бу рукн остида чоп этилган мақолалар, суҳбатлар, услубий тавсиялар, шак-шубҳасиз, ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган касаб ва уюшма етакчиларига кўп асқотади. Қолаверса, бундан гаязета муштарийлари ҳам хабар топиб, ўзларига керакли янгиликлардан воқиф бўладилар.

— **Наврўз уқпар қанотларида эзгулик ва яхшиликлар улашиб ўлкамизда кезмоқда...**

— Менинг битта тилагим бор. У ҳам бўлса, юртимиз ҳаммиса Наврўз кунларидек тўкин-сочин ва кут-баракали бўлсин. Одамлар қалбидан жой олган хуш кайфият йил бўйи уларни тарқ этмасин. Яхши кайфият билан хайрли ишнинг эса, айтадилар-ку, охири ҳам бахайрдир.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМИ ҲИМОЯЧИСИ

дорликнинг таъсирчан механизми йўқлиги, ходимларнинг етарлича малакага эга эмаслиги, меҳнат ва технология интизомнинг паст даражада эканлиги охир-оқибатда жойларда ишловчилар соғлиғига зарар етказиши эҳтимоли мавжуд бўлган иш ўринлари сони ҳали-ҳануз юқори бўлишига олиб келмоқда.

Булар биз давлат ва хўжалик органлари билан яқин вақт ичида биргаликда бартараф этишимиз лозим бўлган муаммоларнинг бир қисми ҳолос. Шу муносабат билан:

- иш ўринларини муқаррар тартибда аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шароити ҳолатини паспортлаштириш бўйича талабчанликни ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар сонини зарур бўлган даражага етказиш (бу касаб ва уюшмалари ва иш берувчиларнинг биргаликдаги вазифаси);

- амалдаги меъёрларга биноан ишловчиларни санитар-маиший хоналар ва қурилмалар билан тўла таъминлаш чораларини кўриш;

- барча даражадаги касаб ва уюшма органларини меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг ўқувини ўтказиш лозим.

— **Ҳаммамизга яхши маълумки, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашга муҳим аҳамият берилмоқда...**

— Бу бежизга эмас. Шоирлар аёлларни жамият гулларига қиёслашларида ўзгача бир маъно-мазмун бор. Мен бу таърифу тавсифларга қўшилган ҳолда, уларни жамият деб аталмиш ҳаёт даражасининг ўқ илдизига менгзаган бўлардим. Айнан шундан келиб чиқиб, касаб ва уюшмалари ишловчи хотин-қизлар ҳамда ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини тобора фаоллаштириб боришни мақсад қилиб қўйган. Ушбу тоифа ходимлар меҳнатига имтиёзли шарт-шароитларни татиқ этиш бўйича аниқ-равшан чоралар белгиланди. Қонунчиликка риоя қилиш устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди.

Жамоа шартномалари ва келишувларини амалга ошириш доирасида ўрта ҳисобда ҳар йили 600 мингдан зиёд аёллар қўшимча таътил олишади, 20 минг аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътиллари узайтирилди, 20 минг кўп болали аёлларга қисқартирилган иш кўпи белгиланди, моддий ёрдам кўрсатилди, кўплаб имтиёзлар берилди.

Шунга қарамайдан, ушбу соҳада ҳали-ҳануз бир қатор муаммолар мавжуд. Авваломбор, бу меҳнат ва машғулотлар жа-бҳасида эркаклар ва хотин-қизлар тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг

кўллаб-қувватлаши натижаси ўлароқ, бугунги кунда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий суғурта маблағларини бошқариш касаб ва уюшмалари қўлида сақланиб қолди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан ўтган беш йил мобайнида 637 мингдан ортиқ меҳнаткашлар соғломлаштиришнинг барча турлари билан қамраб олинди.

Санаторий ва дам олиш уйларида 297 минг киши, шу жумладан, 232 минг ходим имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан дам олдирилди. Шулардан 52 минг пенсионерлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларидир. (Бепул дам олганлар 4 минг кишидан ортади).

Корхона ва ўқув юрталари қошида 60 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди, уларда беш йил ичида иш ва ўқишдан ажралмаган ҳолда имтиёзли йўлланмалар билан қарийб 300 минг ходим, талаба ва ўқувчилар ўз соғлиқларини тикладилар.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳлариди, 2005 йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 1,5 миллион бола, шу жумладан, 10 мингдан зиёд етим болалар бепул дам олдирилди. Экологик жиҳатдан ноқулай ҳудуд ҳисобланган Оролбўйидан жами 41580 бола, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 28998 ва Хоразм вилоятидан 12582 нафар бола мамлакатимизнинг оромбахш ва сўлим жойларига соғломлаштириш ва дам олдириш учун йўлланди.

— **Жорий йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» мақомини олди. Мазмун-моҳиятига кўра инсонларга наф келтиришни олий баҳт санаган касаб ва уюшмаларининг бу галги улуши қандай бўлади?**

— Касаба уюшмалари ижтимоий йўналишга оид барча давлат дастурларининг фаол иштирокчиси ва кизгин кўллаб-қувватловчиси бўлган. Табиийки, Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам бундан истисно эмас. Ўз олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун аниқ-равшан тадбирлар белгилаб олганимиз. Хусусан, жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ижтимоий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз. Шунингдек, ихтисослашган тиббиёт муассасаларига, Меҳрибонлик ва мурувват уйларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш кўзда тутилган.

Бу хайрли ишга йил бошидан тамал тоши қўйилди. Янги йил тадбирлари доирасида тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш жараёнини бошдан кечириётган болаларга 7,6 миллион сўмлик совға-саломлар тўхфа этилди.

Нафосат ва гўзаллик, айни вақтда

чиқилди, мурожаатларнинг 60 фоиздан кўпроги ариза берувчининг фойдасига ҳал этилди, 77 мингга озаки мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилди.

Афсуски, касаб ва уюшма органлари томонидан ҳуқуқий билимлар тарғиботи етарли даражада олиб борилмаётганлигини эътироф этишга тўғри келади, меҳнат жамоаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилмаган.

— **Мозийга қараб иш кўришнинг афзаллиги ҳақида кўп ва хўб гапирилган. Шу ақидага амал қилган ва муштарийларнинг табиий қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда яна бир нарсага оидинлик киритиб олсак: Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси III ва IV Курултойлари оралигидаги даврда касаб ва уюшмалари ташкилий тузилмасида қандай ўзгаришлар юз берди, улар ташкилот фаолияти самарадорлигининг ошишига қандай таъсир кўрсатди?**

— Федерация Кенгаши огишмай, қадамба-қадам ташкилий ишларни янада такомиллаштириш, Федерацияни мустаҳкамлаш, аъзо ташкилотлар бирлигини кучайтириш йўлидан борди. Асосийси, барча касаб ва уюшмалари тузилмаларида ташкилий-ижроия ва молиявий интизомни кучайтиришга эришдик. Республика касаб ва уюшма органларида ўзгаришларга тезда мослаша оладиган тузилмаларни жорий қилиш бўйича реал қадамлар ташланди. Бугунги кунда 359 туман, шаҳар, вилоят кўмиталари, бирлашган кўмиталари ва касабакўм раислари кенгашлари ўрнига Марказий кенгашларнинг вакилликлари киритилди. Бу ихчам, ишчан тузилмавий бўлинмаларни тузиш, уларни ортикча қоғозбозлик, мажлислардан халос этиш, уларга куйи, биринчи навбатда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериш учун катта имконият яратилди. Буларнинг ҳаммаси касаб ва уюшмалари фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир ўтказди.

Жаҳон касаб ва уюшмалари ҳаракатида барча касаб ва уюшма бўгинларини реал ва самарали усулда мустаҳкамлашнинг бир йўли эътироф этилади, яъни бу йўл турдош касаб ва уюшмаларининг бирлашувидир. Бугун дунё шу йўлдан бормоқда, МДХ мамлакатларининг қарийб барчаси шундай фикрга келиб улгурди. Таъкидлаш жоиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ушбу йўналишнинг тўғрилигини англаб етган ва амалий чора-тадбирлар белгиланган ҳам айнан Ўзбекистон касаб ва уюшмалари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида турдош касаб ва уюшмаларини бирлаштириш ҳисобига тармоқ касаб ва уюшмалари сони қарийб икки бараварга қисқарди. Ҳисобот даври ҳам бундан мустасно эмас. 2003 йили Савдо, умумий оқватланиш, матлубот операцияси ва тадбиркорлиқнинг турли шакллари ходимлари касаб ва уюшмаси Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлар касаб ва уюшмаси билан бирлашди. Кам сонли касаб ва уюшмаларининг Федерация доирасида йириклаштириш, қўшилиб кетиши уларга катта салмоқ ва кўзлан-

«ТАШАББУС-2006» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожини учун яратилаётган имкониятлар самараси ўларок, бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодийнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.



Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиғи ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг умумий сони 310 мингтадан ортиди. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимиз фермер хўжалиқларида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хомашёсининг 66 фоизи, галланнинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжалиқлари томонидан етиштирилди.

Бундай юксак натижаларга эришилишида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган аънавий «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида бизнес аҳли ўртасида ўтказиб келинаётган танловда ўтган ўн йил давомида юз мингдан ортиқ киши иштирок этди. Мазкур тадбир соҳа вакилларининг илғор тажрибаси ва ютуқларини намойиш ҳамда эътироф этишининг самарали механизмига айланди.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан жойларда дастлаб танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ўтказилди. Уларда ғолиб чиққанлар республика беллашувига йўлланма олди. Ўтган йилларда бўлгани каби, бу йил ҳам танловда хўжалик юритиш фаолияти яқунлари бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритган ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган микрофирмалар, кичик бизнес корхоналари, фермер хўжалиқ-



лари раҳбарлари ҳамда хунармандлар иштирок этди. Танлов «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд»

йўналишлари бўйича ўтказилди.

Танлов яқунлари сарҳисоб қилинишидан олдин «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуида иштирокчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилди. Серқуёш ўлка-мизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган турфа товар ва буюмлар нафақат танлов ҳайъати аъзолари, балки бу ерга ташриф буюрган меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.


Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус-2006» республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларни саралашда уларнинг янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий инвестицияни жалб этиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби омилларни ўз фаолиятида кенг йўлга қўйганига алоҳида эътибор берилди.

Танлов якунига кўра, «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган «Шаҳбоз-Шахром» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиғи раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов, «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида яшовчи хунарманд Гулнора Одилова ғолиб деб топилди.

Уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини - «Матиз» автомобиллари топширилди.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Термиз



туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиғи раҳбари Р.Маматқулова «Энг яхши тадбиркор аёл», Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Чашмаи Сафед» қишлоқ хўжалиқ корхонаси раҳбари Ҳ.Хўжаев «Энг самарали лойиҳа», «Ўқтамбанк» тижорат банки «Энг илғор молия муассасаси», «Қашқадарё» газетаси муҳбири Б.Темиров «Энг яхши журналист», Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори А.Фаттоҳов «Бизнес-таълим бўйича энг яхши ўқитувчи», Навоий вилояти Нурота туманидан Г.Қодирова «Энг ёш тадбиркор», Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Яшил олтин» хусусий корхонаси раҳбари З.Ахроров «Энг яхши маҳсулот учун», Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Ш.Жонодилов «Энг яхши дастурий маҳсулот», Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси М.Маматқулов «Талабалар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» номинациялари бўйича совриндор деб топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири**

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Сирдарё вилоятининг Бойвут шаҳарчасида қаровсиз ётган қарийб икки гектар ер майдони ўрнида «Ҳомийлар ва шифокорлар боғи» барпо этилади.

Айни пайтда боғда чўмилиш ҳавзаси, кураш, волейбол ва баскетбол майдончалари, мини футбол стадиони, югуриш йўлакчалари қурилиши жадал олиб борилмоқда. Дам олувчилар учун салқин ичимлик

ЯНГИ БОҒ БАРПО ЭТИЛАДИ

ва музқаймоқ билан савдо қилувчи шохобчалар фаолиятини йўлга қўйиш, ёзги кинотеатрни ишга тушириш мўлжалланаётган. Боғ атрофини тартибга келтириш, ариқ-зовурлар қазиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Туман марказий касалхонаси, туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда касб-хунар коллежи талабалари, мактаб ўқувчилари бу хайрли ишларда фаол иштирок этмоқда. Туман машина трактор парк, туман автомобиль йўллари бошқармаси, электр тармоқлари корхонаси жамоалари эса ҳомийлик ёрдамларини аямапти.

Фигурали учиш

ЛАМБЬЕЛНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ



Швейцариялик Стефан Ламбьел учун Калгари шаҳри бир умрга бахтли лаҳзалардан ширин хотира бўлиб қоладиган бўлди. Уммон ортида ўтказилган жаҳон чемпионатида у барча рақибларини доғда қолдириб, қисқа ва эркин дастур бўйича ҳам ўз устунлигини намойиш этган ҳолда жами 274,22 балл тўплаб, шохсупанинг энг юқорисидан жой олишга эришди.

Айтиш лозимки, бу Стефан учун янгилик эмас. У ўтган йили Москвада ҳам чемпионлик унвонини қўлга киритганди. Иккинчи ўрин франциялик Брайан Жуберга насиб этди. Америкалик Эван Лисачек бронза медали билан тақдирланди.

Пойга

СИНАЛМАГАН ОТНИНГ СИРТИДАН ЎТМА

Ўзбекиона бу мақолни эҳтимол моҳир пойгачи Лука Бадоев эшитмагандир ҳам. Лекин унга амал қилишга аҳд қилган кўрналиди. У шу кунларда Италиянинг Фиорано шаҳрида «Феррари» русумли пойга машинасини синовдан ўтказиш билан машғул.

Гарчанд тунда ёққан ёмғир пойгачининг режасига пича ўзгартириш киритишга сабаб бўлган эса-да, йўл қуриши ҳамоноқ у «Бриджстоун» филдирақларини синовдан ўтказишга эришди. Жами 120 даврандан сўнггина машғулотларни тўхтатди.

Лекин эртасигаёқ яна машина рулига ўтирди. Ахир яхши натижага эришиш осон эканми!

Теннис

САФИН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ



Марат Сафин Майамида ўтказилаётган йирик халқаро турнирда биринчи учрашувдаёқ мағлубиятга учради. У Буюк британиялик Тим Хенмэнга бир хил — 3:6 ҳисобларида икки сетда ўйинни «бой бериб», турнирни тарк этишга мажбур бўлди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда россиялик Елена Веснина франциялик Эмили Луани 6:3, 7:6 ҳисобларида таслим этиб, иккинчи даврага йўл олди. Унинг рақибаси энди италиялик Франческа Скьявоне бўлади.

Футбол

«МЮ» САФИДА ЯНА БИР ЎРИНБОСАР

Хориж клубларидан ўрганадиган бир жиҳат борки, қойил қолмай иложингиз йўқ. Бу — селекцияерлик ишининг нақадар олисини кўзлаб йўлга қўйилганлиғидир. Ҳали ёш, лекин таланти шундоққина кўзга ташланиб турган истеъдод эгасини, таъбир жоиз бўлса, остона хатлаб кўчага чиқмай, ўз даврасига қўшиб олиш келажакда нафақат клубни кучайтиришга, шунингдек, унинг бойиб кетишига ҳам хизмат қилади.

«Манчестер Юнайтед» клуби раҳбарияти яна бир футболчи билан шартнома имзолади. У 18 ёшли Фрейзер Кэмбелл. Шуниси қизиқки, Фрейзер «МЮ» шартнома тузган бешинчи ёш футболчидир. Бунгача клуб Дэвид Грей, Даррен Гибсон, Дэни Симпсон ва Крэйг Каркарт билан бир битимга келган эди.

Баскетбол

ҚАЙТИШНИ МУНОСИБ НИШОНЛАДИ



Спортчи учун энг хатарлиси, бу унинг жароҳат олишидир. Бир йил, бир ой, ҳатто бир ҳафталик мажбурий танаффус ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Шунинг учун 294 кунлик танаффусдан сўнг майдонга қайтган Амаре Стадемайрни «Финикс Санс» муҳлислари олқишлар билан кутиб олишди. Буни қарангки, у ҳам ўз шинавандаларини хушнуд этиб, клубига йигирма очко келтирди. Натижада унинг жамоаси «Портленд Трэйл Блэйзерс» устидан 125:108 ҳисобида зафар кучди.

Бокс

ЧЕМПИОНЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМ КЕРАК

Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси йўналиши бўйича оғир вазнда чемпионлик унвонини сақлаб турган Николай Валув 3 июлда Гонновер шаҳрида жанг ўтказди. Лекин унинг рақиб ҳозирча номаълум.

Николай Валув профессионал рингга 44 марта кўтарилди, уларнинг барчасида ғалаба қозонган, уларнинг 31 тасини мuddатидан илгари ўз фойдасига ҳал этган.

ГОЛЛАНДИЯЛИК ДАЪВОГАР



Ўрта вазнда IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Артур Абрахам ҳам ўз унвонини ҳимоя қилади. Бу унвонга голландиялик Раймонд Йовал даъвогар бўлиб турибди. Ҳозирда 37 баҳорни қаршилаган боксчи собиқ жаҳон чемпиони Фернандо Варгас ҳамда австралиялик Сэм Солайманга очколар бўйича мағлуб бўлганлиғи билан оғизга тушган.

Таъкидлаш лозимки, Абрахамнинг ҳам, Йовалнинг ҳам умумий рақиб бор, у — Шеннон Тейлор. Қизиғи, ҳар икки боксчи ҳам Тейлор устидан зафар кучган. Фарқ шундаки, Абрахам ҳакамлар қарори билан ютган бўлса, Йовал ўнинчи раундда техник накаутга учрата билган. Шу жиҳатдан рухий устунлик бўлажак жанг олдидан голландиялик боксчида бўлиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



27 март - 2 апрел

ДУШАНБА, 27

О'ЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 ТВ анонс.
9.50 Олтин мерос.
9.50 "Олам ва одам" дастури: "Фредерик Шопен".
9.50 ТВ анонс.
9.55 "Камалак" экран.
10.45 "Наврўз нашидаси".
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!".
11.20 Олтин мерос.
11.30 "Одами эрсанг."
11.50 УзТВ хазинасидан. Уйғун. "Парвона". Спектакль. 1-қисм.
12.50 ТВ анонс.
12.55 "Парвона". Спектакль. 2-қисм.
13.50 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Бир ўлка-ки."
14.40 "Портретга чизгилар".
14.55 "O'zbektelefilm" намойиши: "Шахрихон".
15.10 "Ўзбекистон - умий уйимиз".
15.30 "Мулдоқот". Қисқа метражи бадий фильм.
16.00 "Камолот"да Наврўз.
"Болалар сайёраси".
16.20 1. "Санъат гунчалари". 2. "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Равнак" студияси намойиш этади.
17.40 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. "Темур гори". 1-қисм.
18.10 ТВ анонс.
18.15 "Оқшом наволари".
18.30 "Кўёши ботмайдиган юрт". Видеofilm. 1-қисм.
19.00 "Аъло уйинчи". Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Халқаро театр кунига. "КиноТеатр".
22.00 "Тақдир ўйини". Телесериал премьераси (Корея).
23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Коинот бўйлаб саёхат". 1-қисм.
24.00-00.05 Тунги наволар.

YOSHLAR

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Ватанпарвар.
18.00 Катрада кўёш.
18.20 Ешлар овози.
18.35 Халқаро театр кунига. Театрда учрашамиз.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 Ракурс.
19.55 Кино SMS.
20.00 Кизил худуд.
20.15 Олий лига кундалиги.
20.35 SMS тест + анонслар.
20.40 Uz EX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Шубҳа". Телесериал.
21.45 Мусликий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Uz EX хабарлари (рус тилида)
22.50 "YOSHLAR" телерадиоканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.20 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" /рус тилида/.
18.50, 20.20, 22.05 ТВ анонс.
18.55 Бойчечак: "Эртақларнинг сеҳрли олами". /рус/.
19.10 ТВ юрист.
19.15 "Табриклаймиз- кутлаймиз".
19.45, 21.15 "Телекурьер маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Мисли гавхар".
20.40, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
20.55 "Камила". Телесериал.
21.30 "Журналист таҳлили".
22.10 "Катта". Бадий фильм. /рус/.
23.50-23.55 "Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
8.30 "Детеныши диких животных". Се-

3:30 Канал «Евроњуос» на русском языке.
4:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Русские мультфильмы.
9.15 Русские мультфильмы.
9.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 40-я серия.
10.00 Мультсериал «Черепашки-ниндзя». 24-я серия.
10.30 Русские мультфильмы.
10.45 Русские мультфильмы.
11.00 Художественный фильм «ДЕЛАНО В АМЕРИКЕ». США, 1993.
13.10 Художественный фильм «АМАЗОНИЯ». Франция, 2000.
15.00 «Осторожно, модерн!» 31-я серия.
15.30 Русские мультфильмы.
15.45 Русские мультфильмы.
16.00 Художественный фильм «ПЕРЕКЛЮЧАЯ КАНАЛЫ». США - Великобритания, 1987.
18.05 Художественный фильм «ГРАБЕЖ». США, 1999.
19.55 «Ваш здоровый позвоночник». Доктор Богданов.
20.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 85-я серия.
21.00 Художественный фильм «ИСПОВЕДЬ НЕВИДИМКИ». США, 1991.
23.05 Художественный фильм «ГОРОД ТЕРРОРА». США, 1999.
1.00 Художественный фильм «ДЖИ-ПЕРС-КРИПЕРС-2». США, 2003.
3.00 Художественный фильм «ДЕНЬ ПОЛНОЛУНИЯ». Россия, 1998.
5.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 85-я серия.

СТС

8.00 «ШПИОНКА». Многосерийный художественный фильм.
8.50 «Боцман и попугай». Выпуск 1-й. Мультипликационный фильм.
9.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
11.00 Истории в деталях.
11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
12.00 Кино на СТС. «С МЕНЯ ХВАТИТ».
14.25 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Многосерийный художественный фильм.
15.30 «Соник Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Самурай Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 «Шаман Кинг». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.30 «Звездный десант». Многосерийный мультипликационный фильм.
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОКТОР КТО». Многосерийный художественный фильм.
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
20.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
23.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
23.30 Кино на СТС. «ШКОЛА СТУАРДЕСС».
1.30 Истории в деталях.
1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
2.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
2.30 Детали.
3.30 «ЩИТ». Многосерийный художественный фильм.
4.15 Фильмы производства ВВС. «Пропаший лайнер и золото империи».
5.00 Фильмы производства ВВС. «Атлантическая пневмония. Правдивая история».
5.50 «ШПИОНКА». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.

HTB

27.03.06 Понедельник
6:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
13:00 «СЕГОДНЯ»
13:35 Сериал «МОРСКИЕ ДЬВЯВОЛЫ»
15:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:00 «СЕГОДНЯ»
16:25 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
18:30 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 ПРЕМЬЕРА. Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ-7: РОКОВОЕ ПОХМЕЛЬЕ»
20:45 ПРЕМЬЕРА. Ярослав Бойко, Даниил Сливаковский, Ольга Ломоносова, Светлана Крючкова в детективном сериале «ОДНА ЖЕНА НА ДВОИХ»
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:40 Ругар Хауэр в боевике «ИГРА НА ВЫЖИВАНИЕ» /США/
0:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ». Ток-шоу Татьяны Толстой и Авдотьи Смирновой.
Александр Долгин
1:15 «ВСЕ СРАЗУ!» с Петром Фадеевым
1:40 Джули Смит в боевике «ВОЗВРАЩЕНИЕ НА ДИКИЙ ПЛЯЖ» /США/
3:25 Джоанна Вудворд, Брайан Денне-

хи в фильме «ИНОСТРАННЫЕ ДЕЛА» /США/
5:10 Сериал «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ» /США/

СЕШАНБА, 28

О'ЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Олам ва одам" дастури: "Коинот бўйлаб саёхат". 1-қисм.
"Болалар сайёраси".
9.25 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобака.
2. "Тоғлик". Мультсериал.
10.35 "Андижонда Наврўз".
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!".
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 "Бойсун бахори". 1-қисм.
12.25 "КиноТеатр".
12.45 ТВ анонс.
12.50 "Тақдир ўйини". Телесериал.
13.50 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 Олтин мерос.
14.25 "Шахсий фикр".
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.10 ТВ анонс.
15.15 "Бенжи". Бадий фильм.
"Болалар сайёраси".
16.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Фарз ва қарз".
17.40 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. "Темур гори". 2-қисм.
18.10 "Хаёт ва қонун".
18.30 Оқшом наволари.
18.40 "Кўёши ботмайдиган юрт". Видеofilm. 2-қисм.
19.10 "Банк ва мижоз".
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Эркин мавзу".
22.00 "Тақдир ўйини". Телесериал.
23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Коинот бўйлаб саёхат". 2-қисм.
00.05-00.10 Тунги наволар.

YOSHLAR

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 SMS тест + анонслар.
17.05 Олий лига кундалиги.
17.25 Эврика.
17.35 Болалар табассуми.
17.40 Чемпион сирлари(рус тилида)
18.00 SMS тест + анонслар.
18.05 Мусликий лаҳза.
18.10 Ешлар овози.
18.25 ТВ -дорихона.
18.35 Cinema Bolivud.
18.50 Мафунингман, дидрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест+ анонслар.
